

O'ZBEKISTON



OVOZI

IJTIMOIIY-
SIYOSIIY
GAZETA

• 2006-yil • 11-aprel • Seshanba • 42 (27.534) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan

ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10 апрель куни Оқсаройда расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Россия Федерацияси Федерал мажлиси Федерация кенгаши раиси Сергей Мироновни қабул қилди.

— Ташрифингиз Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётганидан яна бир далолатдир, — деди Ислам Каримов. — Мамлакатларимиз ўтган йилнинг ноябрида Москвада имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномага мос равишда ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириб, тараққий эттирмақда.

Дарҳақиқат, Ислам Каримов ва Владимир Путин томонидан имзоланган алоқаларни иттифоқчилик даражасига кўтариш тўғрисидаги ҳужжат мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни барча соҳаларда кенг ривожлантиришнинг янги имкониятларини очиб берди. Бугунги кунда Ўзбекистон — Россия ҳамкорлиги сиёсий, савдо-иқтисодий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий, ижтимоий йўналишларда юксалиб бормоқда.

Ҳамкорлик алоқаларининг янги сифат касб этишида ҳукумат ва парламент доиралари ҳам салмоқли ўрин тутмоқда. Сўнгги беш ой мобайнида Россия Федерациясидан Ўзбекистонга 14 расмий делегация ташриф буюргани, жумладан, улардан тўрттаси парламент вакиллари билан иборат бўлгани диққатга сазовордир.

Парламентлараро алоқаларни янада

такомиллаштиришдан, унинг доирасида қонун ижодкорлиги борасида тажриба ва ахборот алмашувини кенгайтириш ва халқаро сўбат билан боғлиқ долзарб масалалар юзасидан узвий мулоқотлар олиб боришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор. С.Мироновнинг ташрифи асосида Ўзбекистон ва Россия парламентларининг юқори палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ҳужжат имзолангани бунинг яна бир тасдиғидир.

С.Миронов айни пайтда МДҲ Парламентлараро ассамблеяси кенгашига ҳам раислик қилмоқда. Бу эса унинг ташрифи Ўзбекистон билан Россия олий қонун чиқарувчи органларининг ҳамдўстлик доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари муҳокамаси учун ҳам қулай имкониятдир.

Меҳмон самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, икки мамлакат сенаторларининг мулоқоти иттифоқчилик муносабатлари аъёналарига мос тарзда фаоллашиб бораверишига ишонч билдирди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон — Россия парламентлараро алоқалари билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

(ЎзА)

БУНЁДКОРЛИК ВА САХОВАТ ТИМСОЛИГА ЭҲТИРОМ

Шонли тарихимизда ўчмас из қолдирган, миллатимиз тимсолига айланган буюқ аждодларимиз орасида Соҳибқирон Амир Темурнинг ўрни бекиёс. Истиклол йилларида давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг ташаббуси билан улғу бобомиз таваллуд топган санани кенг нишонлаш аъёнага айланди.

9 апрель куни пойтахтимиздаги Амир Темур номи билан аталувчи хиёбон эрталабданок ҳамшаҳарларимиз, пойтахт меҳмонлари билан гавжум бўлди. Бу ерга олимлар, ёзувчи ва шоирлар, маҳаллалар ва хотин-қизлар кўмитаси фаоллари, ёшлар, кенг жамоатчилик ҳамда мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий дипломатик корпус вакиллари тўпланди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, Амир Темур халқаро хайрия жамғармаси раиси Муҳаммад Али, Теурийлар тарихи давлат музейи директори, республика «Ўзбекмузей» жамғармаси раиси Нозим Хабибуллаев ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида неча минг йиллик бой тарихимиз, эзгу аъёна ва қадриятларимизни қайта тиклаш, буюқ аждодларимизнинг меросини муқаммал ўрганиш ва тарғиб этиш, улар хотирасига эҳтиром кўрсатишдек хайрли ишларга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши бунёдкорлик ва яратувчиликни ўзининг эзгу амалларидан деб билган Амир Темурнинг 670 йиллигига тўғри келишида ҳам ўзига хос маъно бор. Негаки, хайр-саховат, мурувват, адолат Соҳибқирон фаолиятининг асосий мезони бўлган. Айни пайтда улғу бобомизнинг бебаҳо ўғитлари мустақил она-Ватанимизда амалга оширилаётган эзгу ишларда амалий ифодасини топаётди.

Шуниси эътиборлики, Соҳибқирон таваллуди билан боғлиқ бу йилги тантаналар Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейига ҳамроҳанг тарзда нишонланмоқда. Зеро, наинки юртимиз, айни чоғда жаҳон цивилизацияси тарихида бобокалонимиз ҳамда қадимий Қарши алоҳида ўрин тутди. Мазкур саналар билан боғлиқ илмий анжуманларнинг нафақат юртимиз, балки жаҳоннинг Испания, Франция, Бельгия каби давлатларида ҳам ўтказилиши Амир Темур ғояларининг нечоғли ҳаётбахш ва долзарб эканидан, шунинг баробарида, миллатимиз тарихига бўлган қизиқининг жаҳон миқёсида тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Тадбир қатнашчилари Амир Темур хайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

Шу куни Теурийлар тарихи давлат музейида Соҳибқирон ҳаёти, фаолияти, маънавий меросининг аҳамиятига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган бундай тадбирлар юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида давом этмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири



Қадим Самарқанд шаҳрида ҳам мазкур сана муносабати билан бир қатор тадбирлар бўлиб ўтди.

Эрта тонгдан вилоят жамоатчилиги ва меҳмонлар Ғури Амир мақбарасига ташриф буюриб, буюқ бобомизнинг руҳи-покига Қуръон тиловат қилишди. Шундан сўнг, шаҳар марказида жойлашган Амир Темур хайкали пойига гулчамбарлар қўйилди.

— Муғуллар истилоси даврида кўплаб вайронгарчиликларни бошидан кечирган Мовароуннаҳр Соҳибқирон бобомизнинг бекиёс жасорати туғайли ҳар томонлама гуллаб-яшнади, — деди Самарқанд давлат университети ректори, профессор Темур Ширинов. — Шу боис Темур ва теурийлар даврида барпо этилган ғўзал ва маҳобатли обидалар бугун ҳам бутун дунё ақлини хайратга солиб келмоқда.

Тадбир доирасида Самарқанд шаҳридаги тарих музейида олимлар, талаба-ёшлар иштирокида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар Амир Темур ҳаёти ва амалга оширган бунёдкорлик ишлари ҳақида атрофлича фикр-мулоҳаза юритдилар.

Шухрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

Ҳусан ТҒИЙЗОВ олган суратлар

СПОРТ — МАРДЛИК СИНОВИ

Амир Темур бобомиз таваллудининг 670 йиллиги ва Наврўз айёмига бағишлаган ўтказилган умуммамлакат оммавий марафони ҳақиқий чинқиш воситаси бўлди.

Уч (туман (шаҳар), вилоят, республика) босқичдаги ушбу аъёнавий тадбир бу гал ҳам кўтаринки рўҳда уюштирилди. 31 март куни уч йўналишдан иборат умуммамлакат оммавий марафоннинг республика босқичига старт берилганди. Дастлаб Наманган — Андижон

— Фарғона — Тошкент — Шаҳрисабз йўналиши қатнашчилари бахсларни бошлашган. Сўнгра Термиз — Бухоро — Шаҳрисабз, Нўкус — Бухоро — Шаҳрисабз йўналишлари бўйича ҳаракат қилган марафончилар ҳам йўлга чиқишганди.

2-3 апрель кунлари Термиз — Шаҳрисабз йўналиши бўйича ҳаракат қилган спортчилар вилоят ҳудудига кириб, Деҳқонобод, Ғузор туманлари орқали Қарши шаҳрига етиб келишди. Уларга 200 га яқин ҳаваскор

югурувчилар ҳам қўшилдилар.

9 апрель. Шаҳрисабз. Соҳибқирон бобомиз дунёга келган кун. Бир кун олдин улғу зот хайкали пойига гуллар қўйилди. Кун тушдан оғанда Амир Темур таваллуд топган шаҳарга унинг набиралари — моҳир спортчилар кириб кела бошлашди. Эртаси куни Китоб туманидан бошланган оммавий югуришда икки мингга яқин ҳаваскор иштирок этди. Тадбир катта байрамга айланди.

Спорт — мардлик синови,

спортчи маҳорат ва ирода яловбардоридир. Бу сафар ҳам узоқ масофани босиб ўтиш осон кечмади. Шаҳрисабздаги Амир Темур хиёбонига бошланган тантаналар баҳор ёмғири остида давом этди. Йигилишни Шаҳрисабз туман ҳокими Ҳўтам Хидиров сўчди. Қашқадарё вилоят ҳокимининг ўринбосари Инобат Каримова, умуммамлакат оммавий марафони бош ҳаками Ашур Нормуродовлар сўзга чиқиб, спортчилар шаънига илқ гапларни айтишди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Умумжамоа ҳисобида Андижон, Қашқадарё ҳамда Фарғона вилоятлари марафончилари кучли учликни банд этишди. Сурхондарёлик Андрей Сорокин, андижонлик Дилшода Саиджонова, қашқадарёлик Райхон Ҳўжаевалар турли номинациялар бўйича ғолибликни қўлга киритдилар. Ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ҚАДИМИЙ СОАТЛАР КЎРГАЗМАСИ

Қадимий Бухоро ўзида кўплаб сир-синоатларни яширган. Бугун уларни ўрганишга бўлган қизиқиш эса тобора ортиб бормоқда. Шаҳардаги музейда очилган қадимий соат ҳамда кўзгулар доимий кўргазмаси фикримизнинг исботидир.

— Кўргазмада XIX аср охири ва XX аср бошида Швеция, Франция, Польша, Туркия ва Россияда тайёрланиб, ҳумдорлар, дипломат ва савдогарлар томонидан бухороликларга совға қилинган

соатлар, Арк қалъаси ва Ситорай Моҳи Хосса ёзи саройи хоналарини беэзаган қадимий кўзгулар ўрин олган, — деди музей мудири Мунира Пўлатова.

Дарвоқе, сайёҳлар эътиборини Швейцариянинг «Мозер», «Салтер», «Жанот», Германиянинг «Адлер-гонг», Фарбий Европадаги «Ансалдо», «Билодес» ҳамда Россиянинг «М.Калашников» ва «Павел Бура» фирмаларида ишлаб чиқарилган девор, стол, чўнтак ва қўл

соатлари, ёғоч ва ромларга жойлаштирилган қадимий кўзгулар ўзига тортмоқда. Чунки, кумуш ва бошқа ноёб металллардан ишланган, қимматбаҳо тошлар билан безатилган бу соатлар ҳамда асрлардан сўзловчи кўзгулар қадим Бухоро ва хорижий давлатлар ўртасидаги алоқалар тўғрисида маълумот беришга қўлмай, балки маҳаллий усталар маҳорати нечоғлигини кўрсатиб турибди.

(Ўз мухбиримиз)

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИКЛАР ТАШАББУСИ

Республика Жўқорги Кенгесининг ҳудуд аҳолисига муржаатда «...сабзавот, мева, узум ва полиз экинлари экиш ҳамда бог-роғлар парваришини кучайтиришда зарбдор 60 кун» эълон қилинганлиги ҳақида сўз борди. Бу ташаббусни қўллаб-қувватлаганлар сафига фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, ўрта махсус ўқув юртлари талабалари ҳам қўшилдилар.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да ҳудудда 44 минг 956 тонна сабзавот, 21 минг 443 тонна полиз, 8 минг 710 тонна мева, 353 тонна узум, 1 минг 945 тонна картошка маҳсулотлари етиштириш режалаштирилмоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗБЕК КУРАШИ ЖАҲОН КЕЗМОҚДА

Халқаро Кураш ассоциацияси (ХКА) президенти Комил Юсупов раҳбарлигидаги делегация аъзолари дунёнинг 204 мамлакатга миллий олимпия кўмитасини ўз атрофида бирлаштирган Миллий олимпия кўмиталари ассоциациясининг (МОКА) XV бош ассамблеяси ишида иштирок этди.

Бош ассамблеянинг 2 апрель куни бўлиб ўтган очилиш маросимида Корея Республикаси Президенти Но Му Хён ҳамда Халқаро олимпия кўмитаси президенти Жак Рогге иштирок этди. Ассамблея иш давомида ХКА вакиллари Миллий олимпия кўмиталари ассоциациясининг президенти, ХОҚ ихроий кўмитаси аъзоси Марио Вазкез Ранья билан учрашди. Сўхбат чоғида ўзбек курашини дунё мамлакатлари бўйлаб янада оммалаштириш ҳамда уни яқинда бўлиб ўтажак Панамерика ўйинлари дастурига киритиш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Учрашув якунида Марио Вазкез Раньяга Халқаро Кураш ассоциацияси олий мукофоти — «ХКА олтин ордени» ҳамда унинг Панамерика кураш иттифоқи фахрий президенти этиб сайлангани тўғрисидаги сертификат топширилди.

ХКА делегацияси Джусеон шаҳрида бўлиб, у ерда Жанубий Кореядagi энг илғор таълим муассасаларидан бири — политехника коллежида ўтказилган кураш бўйича мусобақаларни бориб кўрди. Ушбу спорт тадбири Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Корея Республикасига буюрган давлат ташрифи бағишланди. Ушлаб кураш усталари иштирок этган ва минг нафардан зиёд томошаларни тўлаган мазкур беллашувлар Корея кураш ассоциацияси ҳамда коллеж ректорати томонидан ташкил этилди.

«Жаҳон» АА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ	
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 11 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боҳжона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади.*	
1 Австралия доллари	884,55
1 Англия фунт	1210,30
1 Дания кронаси	197,35
1 БАА дирҳами	330,86
1 АҚШ доллари	1215,21
1 Миср фунти	211,51
1 Исландия кронаси	16,64
1 Канада доллари	1058,55
1 Хитой юани	151,71
1 Малайзия ринггити	331,35
1 Польша злотийси	370,95
1 СДР	1756,78
1 Туркия лираси	908,91
1 Швейцария франки	935,28
1 ЕВРО	1472,11
10 Жанубий Корея вон	12,78
10 Япония иенаси	103,05
1 Россия рубли	44,02
1 Украина гривнаси	240,64

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбурийатини олган.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKIDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, факс: 133-20-74
WWW.tshbmb.uz E-mail: info@tshbmb.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ЛАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГIZ ҚИЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

ЎзХДП ҳаёти

ҲАЗОРАСПДАГИ ХАЙРЛИ ИШЛАР

Тупроққалъа — Хоразмнинг чекка гўшаси. Вилоят марказидан икки юз чакирим нарида жойлашган. Тўғриси, марказдан узоқлик бу ерда ҳар доим тадбирлар ўтказиш, аҳолининг барча қатлами билан мунтазам алоқада бўлишга имкон беравермайд.

Чекка қишлоқларда болалар спортини оммалаштириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида яқинда ХДП Хоразм вилоят, Ҳазорасп туман кенгашлари ҳамкорлигида Тупроққалъа қишлоғида болалар ўртасида волейбол, шохмат, шашка бўйича мусобақалар ҳамда расмлар кўрик-танлови ўтказилди.

Мусобақа ғолибларига, қимматбаҳо совғалар, фахрий ёрликлар топширилди.

...Тупроққалъада ушбу мавзе ташкил этилгандан буён ўтган йигирма йил вақт мобайнида меҳнат қилиб, обрў топган азиз инсонлар кўпчилик. Партиямиз аъзоси Фарҳод Душамов ўқитувчилик касбини эъзозлаб, ҳурмат-эътибор қозонди. Биҳажон Тожимуродова ҳам ушбу ҳудудга илк бора кўчиб келиб, мактабларни йўқдан бор қилган касб фидойиси.

— Бу ерларда бир вақтлар мактаб у ёқда турсин оддий яшаш шароитлари ҳам йўқ эди, — деб ҳикоя қилади Биҳажон опа. — Болаларни ҳақлаб ўз уйларида ўқитиб, саводларини чиқарганимиз. Кейинчалик мослаштирилган илм даргоҳларида ўқитишимизга

тўғри келган. Мустақиллик шарофати билан замонавий, шинам биноларда сабоқ олиш бахтига мушарраф бўлаётган ёшларга ҳавасим келади.

Яқинда партия вилоят кенгаши раиси Раимберган Сабуров ва бошқа ХДП фаоллари ҳозирда нафақада бўлган устоз муаллимларни йўқлаб боришди. Сўхбатда тажрибали педагоглар, партиянинг фаол аъзолари бўлган фахрийлар ҳамма эътибор ва эъзозда бўлишлари айтилди.

...Яна бир хайрли иш бу партия туман кенгаши қошидаги «Истиқбол» ёшлар қаноти тасис этган стипендия билан аълочи ўқувчиларнинг мунтазам мукофотланиб боришидир. Ана шундай илк стипендияга ҳудуддаги 15-мактабнинг саккизинчи синф ўқувчиси Сурайё Курбонова сазовор бўлди.

— Партиямиз томонидан ўтказилаётган ана шундай хайрли ишлар кўп сонли аъзоларимизга маънан мадад бўлди, — дейди ҳудудий партия ташкилоти котиби, Ҳамид Олимжон номли ўрта мактаб директори Фарҳод Матмуротов. — Бунинг самарасини партия аъзоларимизни қайта рўйхатдан ўтказиш жараёнида ана бир қарра ҳис қилдик. Шундай бўлса керак, қайта рўйхатдан ўтказишда бирорта ҳам партия аъзоси сафимизни тарқ этгани йўқ.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

«Сийёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси 2005 йилги ўз бюджетининг ижроси ва 2006 йилга бюджет ҳақидаги маълумотларни эълон қилади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг жорий йил 1 апрелда бўлиб ўтган IV пленуми Ўзбекистон Халқ демократик партияси 2005 йилги бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботини даромадлар (ўз даромадлари ва давлат томонидан молиялаштирилиши) бўйича 1198360,8 минг сўм ва харajatлар бўйича 1181713,3 минг сўм миқдорида тасдиқлади.

2005 йилда партия фаолиятини молиялаштириш манбалари куйидагилар:

Т.р	Молиялаштириш турлари	Миқдори (минг сўм)	%
1	Аъзолик бадаллари	479368,4	40,0
2	Ишлаб чиқариш — хўжалик фаолияти	236966,9	19,8
3	Давлат томонидан молиялаштириш	404020,0	33,7
4	Юридик шахслар хайрияси	0	0
5	Жисмоний шахслар хайрияси	0	0
6	Бошқа даромадлар	78005,5	6,5
Жами:		1198360,8	100,0

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ўтказган текширишга кўра, 2004 ва 2005 йилларда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг барча бюджет маблағлари Ўзбекистон ХДП устав фаолиятини молиялаштириш учун сарфланган.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг IV пленуми партиянинг 2006 йилга бюджетини тасдиқлади. Унда Ўзбекистон ХДПнинг жорий йилдаги устав фаолиятини 1779041,2 минг сўм миқдорида молиялаштириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Биз билган ва билмаган тарих

Буюк бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темурнинг давлатни идора қилиш усули, кўпгина мамлакатлар билан алоқалар ўрнатгани тарихдан яхши маълум. У қатор давлатларга элчилар юборган, ўз навбатида уларнинг элчиларини қабул қилган. Шулардан бири Кастилия элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг Амир Темур салтанатига ташрифи давомида кўрган-кечирган воқеаларни қаламга олиб, «Амир Темур тарихи» номли асар ёзгани алоҳида қимматга эга.

Ушбу асар бизгача етиб келган бўлиб, кўплаб тилларга таржима қилинган. Яқинда Тошкент давлат шарқшунослик институти магистри Улугбек Жўраев мазкур китобни илк бор испан тилидан ўзбек тилига таржима қилди. Куйида биз Клавихонинг Мовароуннаҳрда саҳрати ҳамда машҳур тарихий мероси ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

«Амир Темур тарихи» 1404 йили Самарқандда бўлган Кастилия қироли элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг йўл хотираларидан иборат бўлиб, Темур ва темурийлар даври тарихи бўйича муҳим манба ҳисобланади. Унда Клавихо 1403-1406 йилларда Испания, Туркия, Эрон ва Мовароуннаҳрда, хусусан, Амир Темур саройида кўрган-билганларини ҳикоя қилади.

ҚИСҚАЧА КУНДАЛИК МУАЛЛИФИ ҲАҚИДА

Клавихо бадавлат зодагон оиладан чиққан. Отаси ҳам, ўзи ҳам қирол саройида нуфузли мансабларда фаолият кўрсатган. У 1406 йили қирол Энрике III нинг вафотидан кейин она шаҳри Мадридга келиб умрининг охиригача шу ерда яшайди.

Клавихонинг Амир Темур салтанатига қилган элчилик саёҳати 1403 йил 22 майда бошланиб, ўн беш ой даганд Самарқандга етиб келган. Бу сафарда қиролнинг махсус соққиси Гомес де Салазар ҳамда Амур Темурнинг 1402 йили Испанияга йўллаган элчиси Мухаммад ал Кеший ҳамроҳлик қилади.

Элчининг бу саёҳати жуда узоқ ва хавф-хатарларга бой бўлган. Элчи ва унинг ҳамроҳлари қиролликнинг жануби-шарқий томонида жойлашган Кадис шаҳридан елканли кемада йўлга чиқиб, Урта ер денгизи бўйлаб, сўнгра Истанбул, Трабзон, Арзирум, Табриз, Техрон, Машҳад, Марв ва Балх орқали куруқликда йўл босган. Улар Табриз қаршида Амурдарёдан ўтиб, Кеш (Шахрисабз) орқали 1404 йилининг 31 августида Самарқанд қишлоқларидан бирига келади ва Соҳибқироннинг шу атрофдаги чорбоғига тушади.

Клавихо ўз асарига ўша вақтларда Амир Темур кўл ости-

АМИР ТЕМУР — КЛАВИХО НИГОҲИДА

даги мамлакат ва шаҳарларнинг умумий аҳоли, аҳолининг ҳаёт тарзи, Темур ва темурийлар томонидан барпо этилган бинолар, саройлар, масжид-мадрасалар, савдо расталари, дўконлар, устаконалар, шунингдек, салтанатнинг Хитой, Ҳиндистон, Олтин Ўрда, Мўғулистон ва бошқа мамлакатлар билан қилган сиёсий ва савдо алоқалари, Темур саройида амалда бўлган тартиб-қоидалар ва ниҳоят Соҳибқироннинг оила аъзолари — фарзанд ва набиралари, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Асар 159 бобдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирида Темур ва темурийларга оид жиҳатлар, мамлакат ҳаётига тааллуқли маълумотлар ҳамда йўлдаги таассуротлар баён қилинади. Улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этаск.

АМИР ТЕМУРНИНГ ГЕРБИ ВА МУҲРИ ҲАҚИДА

«Амир Темурнинг герби учта думалоқ шаклдаги доирадан иборат бўлиб, дунёнинг учта бўлиган ери, яъни учта қитъани билдиради. Бу рамиз дунёнинг уч қитъасига ҳукмдор эканлигини ҳам англатади. Шунингдек, Темурнинг ўз муҳрларида, танга пулларида ҳам шундай шаклни босиб чиқаришини буюрган».

САМАРҚАНДНИНГ БОЙЛИГИ ҲАҚИДА
«Бу юрт дун-дун, мой, мевачева, парранда гўшти, ҳар хил гўшт, кўйинги, ҳамма нарсасига бойдир. Бир жуфт семиз кўйининг нархи жуда арзон, яъни бир дукат».

КАТТА ХИБОН ВА САВДО РАСТАЛАРИ ҲАҚИДА
«Самарқанд шаҳрида ҳар йили Хитой, Ҳиндистон, Тата-ристон ва бошқа мамлакатлар-

шаҳрининг барча савдо аҳли — чифрурушлар, қосиблар, жа-воҳир ва бошқа турли-туман моллар билан савдо қилувчилар, ошпазлар, қасосбар, но-аввойлар, тикувчилар ва шаҳардаги барча хунармандларга Соҳибқирон Урдаси жойлашган текислик майдонга чиқиб, чодирларини тикиб савдо қилсинлар, деб буюрди. Шундан кейин барча савдогарлар ша-ҳарлардан чиқиб, Соҳибқирон қароргоҳи атрофига жойлаш-дилар...»

фавворали ҳовуз бўлиб, сувда қип-қизил олмалар сузиб юрди. Амир Темур юқорида тахтада ўтирар эди. У ипак матодан тикилган расмисиз кўйлак кийган, бо-шига эса атрофи қиммат-баҳо тошлар билан безатил-ган ва ўртасига олмос қадалган оқ салла кийиб ол-ган эди. Элчилар уни кўришлари биланок, ўнг тиззаларини букишиб, кўлларини кўксиларига кўйган ҳолатда эгилиб са-лом беришди...»

«Амир Темур элчилар билан саломлашганларидан сўнг, қандай қилиб етиб келдингиз, йўлларда қийин-қилиқлар бўлмади, ўғлим Кастилия қиролнинг аҳоли қандай деб сўради...»

Испан элчиси Клавихо-нинг ўз кундаликларида кел-тиришича, улар босиб ўтган барча шаҳарлар Соҳибқирон тасарруфига бўлгани боис Амир Темур элчиларга қай-си шаҳарда безътиборлик қилишганлигини билиш мақ-садида сафар таассуротла-рини суриштирган. Бунга жавобан элчилар ҳар бир шаҳардан ўтаётганларидан жуда яхши кутиб олишгани-ни, одамлар зарур озиқ-ов-қат ва отлар бериб, куза-тиб қўйганларини айтиша-ди.

Клавихо асарнинг Амир Темур фарзандлари ва на-биралари ҳақидаги бобида Мироншоҳ Мирзо ва Шох-рух Мирзоларни тилга ол-ган. Улар бир неча шаҳар-ларнинг ҳокими бўлишган. Набиралардан эса Умар-шайх Мирзо, Абубакор Мир-зо, Халил Султон Мирзо ва Жаҳоншоҳ Мирзолар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган.

Бир сўз билан айтганда, ушбу кундаликда Испания қироллиги элчисининг сафа-ри давомида кўрган-кечир-ганлари, Амир Темур сарой-ида ўзи гувоҳи бўлган воқеа-ҳодисалар, қабул маросим-лари жозибдор тарзда ҳикоя қилинган. Ассийси, унинг ўз даврида Самарқанд-га қилган сафари узоқ Ев-ропа ва Мовароуннаҳр ўрта-сидаги тарихий ришталарни мустаҳкамлашга хизмат қил-ган эди.

Улугбек ЖўРАЕВ,
Тошкент давлат шарқшунослик институти магистри

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

СОЛИҚЛАР — ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

АММО ФИЖДУВОНЛИКЛАР АЙРИМ ТАДБИРКОРЛАР ЎЗ МАНФААТЛАРИНИ ЎЙЛАБ, ХАМ ДАВЛАТГА, ХАМ ХАЛҚҚА ЗАРАР ЕТКАЗАЁТГАНИНИ АНЧА КЕЧ ПАЙҚАДИЛАР

Бугун мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг барча ҳуқуқий асослари яратилган. Фақат қонун доирасида ҳалол ишлаб, даромад эгаси бўлишни давр тақозо этаётлар. Бунинг учун эса ҳеч қандай тўсиқ йўқ, аксинча кенг имконият, катта қулайликлар мўҳайё. Лекин, шולי курмаксиз бўлмаганидек, айрим ғаламис тадбиркорлар борки, улар фақат ўзим бўлсам бас, қабилида ишлаб, солиқчиларни чалғитиш пайида бўладилар. Натижа равшан: тадбиркор деган номга доғ тушириб, эл олдида юзи шувёт бўлганини кеч пайқайди улар.

Бундай ҳолатлар Фиждуювон тумани давлат солиқ назорати инспекцияси ходимлари фаолиятида кўп учраган. Биргина 2005 йилда инспекциянинг бозорлар фаолиятини назорат қилиш шўбаси ходимлари томонидан ўтказилган 390 та текшириш ва рейдларда 384 та ҳар хил қоидабузарликлар аниқлан-ди. Ҳуқуқбузарларга нисбатан инспекция томонидан 3465,9 минг сўмлик маъмурий жарималар қўлланилган. Жумладан, тумандаги «Наме-та-2000» хусусий фирмаси ходимлари 1243,6 минг сўмлик савдо пулларини на-зорат-касса маълумларидан ўтказдилар-у, қонунга хилоф равишда банка топширмай бошқа эҳтиёжларга сарфла-дилар. Фирма раҳбари

Т.Дарवेशева нисбатан жи-ноят иши кўзгатилиди. «Ка-мол» фирмасидаги раҳбар эса 915 минг сўм савдо пулини НКМдан ўтказиш у ёқда тур-син, банка топширишни ҳам унутдилар. Худди шундай ҳолат «Бинафша» хусусий фирмасида ҳам аниқланди. Харидорларга сотилган дори-дармон пули — 226,4 минг сўм фирманинг бошқа эҳтиёж-ларига ишлатиб юборилди. Ушбу ҳолат бўйича фирмага нисбатан Солиқ кодексининг 135-модда, 12-бандига асо-сан (энг ҳам иш ҳақининг топширилмаган пул кўшиб ҳисоблаганда 1021,8 минг сўм) тегишли молиявий жа-рима қўлланилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тамаки махсулотла-ри ва спиртли ичимликларга акциз марказларини жорий этиш тартиби тўғрисида»ги, «Алкоголли махсулотлар иш-лаб чиқариш ва уларнинг ай-ланиши устидан давлат мо-нополиясини кучайтириш ҳамда Ўзбекистон Респу-бликаси ҳудудида алкоголь ва тамаки махсулотларини со-тишда бюджетга тушумни кўпайтириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Спирт ва ал-коголли махсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучай-тиришга доир чора-тадбирлар

тўғрисида»ги қарорлари иж-роси юзасидан ҳам текши-ришлар олиб борилди. Йил давомида 52 ҳолатда қонун-бузарликлар аниқланиб, қонунбузарлардан 962,5 литр спирт, 1288 литр спиртли ичимликлар, 19 ҳолатда 6094 кути тамаки махсулотлари далилий ашё сифатида олиб кўйилди. Бу махсулотларнинг деярли аксариятида акциз маркази бўлмаган. С.Айний номли ширкат хўжалигининг «Ўба» қишлоғида яшовчи фу-қаро Рустам Қиличев бозор ҳудудида ҳеч қандай ҳужжат-эси, инсон саломатлигига пу-тур етказадиган 88,5 литр спирт сотаётганда ушланди. Ёнидан 2100 дона «Шохруд» ароғи этикеткаси, 1388 дона ароқ қоқпоқлари, 550 дона целлофан ароқ ёлғофлари ҳам чиқди. Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186-моддасига асо-сан жиноят иши кўзгатилиди.

Қизғин шундаки, туманда сохта тадбиркорликка муқка-сидан кетган, давлат стан-дартларига мутлақо тўғри келмайдиган, истеъмолга яроқсиз махсулотлар ишлаб чиқараётганлар ҳамон учраб турибди. Сармихонлик «сох-та тадбиркор» Шоназар Баҳ-ронов шундайлардан бири. У ўз уйида ноқонунли равишда қўлбола қолбас ишлаб чи-қараётгани аён бўлди. Ундан далилий ашё сифатида 113 килограмм (158200 сўмлик)

қолбаса махсулоти, 31 дона ғилоф олиб кўйилди. Файзула Хўжаев номли ширкат хўжалигида яшовчи Сафар Исаев пахта чигитидан электр токида ишлайдиган мослама ёрдамида ёғ ишлаб чиқараётганда қўлга тушди. Текшириш чоғи ҳрвлисидан ҳам худди шу усулда ишлан-ган 52 килограмм ёғсимон модда, 253 килограмм чигит ва 153 килограмм қунжара топилди.

Қовун қовундан ранг ола-ди деганлари рост экан. Ҳамид Олимжон номли шир-кат хўжалигининг Бобогози қишлоғида истиқомат қилув-чи Абдурахмон Тошев теъда қаддини ростламоқи бўлди. Ўз уйида яширинча қўлбола қурилма ўрнатиб, пахта хо-машёсидан чигит ҳамда тола олишга қўл урди. Иши энди ривож олаётганда эшигини чертиб, солиқчилар келди: сир очилди-қолди. Уйидаги мослама, 258 килограмм пах-та толаси (хар бир килограм-ми 650 сўмдан жами 164700 сўмлик), 480 килограмм чи-гит (86400 сўмлик), 1073 кило-грамм чигити олинмаган пахта (268250 сўмлик) дали-лий ашё сифатида рўйхатга олинди. Солиқ назорати хо-димлари, шунингдек, Фиж-дуювон шаҳрида яшовчи Мақ-суд Уроқов, Ибн Сино шир-кат хўжалигининг Хоротхона қишлоғида истиқомат қилув-чи Бурҳон Кўчқоровлар ҳам

айнан шу йўл билан бойишга уринганликларини аниқлаб, уларга нисбатан қонун дои-расида чора кўрдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Фиждуювон бозори-нинг довури етти иклимга кетган. Шу боис ҳамма ҳам шу ерда молини ўтказиш пайида бўлиш турган гап. Андижонлик Раҳматулла Тожматов Фиждуювон бозори-да 13 дона (260 минг сўмлик уч йиллик «Оверлок» тикув машинаси, 295 метр (694 минг сўмлик) пардалик ма-териалларни керакли ҳуж-жатларсиз сотмоқчи эди. Аммо ниятига етолмади. Унинг қўшниси Одинахон Ка-римованинг ҳам омади юришмади. У чет элда иш-лаб чиқарилган ёстик жилд-ларидан ажраб қолди. Саба-би ўзларига аён.

— Жамоамиз, — дейди ту-ман давлат солиқ инспекция-си катта назоратчиси Наби Одиллов, — Президентимиз Фармонваниндан келиб чиққан ҳолда, жойларда кенг қўла-мда тушунтириш ишлари олиб борапти. Уйлаймизки, бу ўз самарасини беради. Биз фу-қароларнинг ҳақ-ҳуқуқларига доир тарғиботинаям кучай-тираверамиз. Шунда орамиз-да ноқонунли тадбиркорлик билан шугулланувчиларга ўрин қолмайди...

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири

2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»

«ЭЪТИРОФ» — ШИФОКОРЛАР МЕҲНАТИГА МУНОСИБ БАҲО


Хоразмлик шифокорлар бундай мукофотга сазо-вор бўлишни ўзлари учун шараф, деб билишмоқда



Авалло, «Эътироф» деб номланган мукофот ҳақида. Бу мукофот вилоят соғлиқни сақлаш бош-қармаси томонидан ўтган йили ташкил этилди. Илк мартаба бундай мукофот «Сиҳат-саломат-лик йили» охирида, аниқроғи, 24 декабрь кунини йигирма бир номинация бўйича ғолиб бўлган-ларга тантанали равишда топширилди. Шу кунини кимларгадир автомашина, кимларгадир компьютер, кимларгадир бошқа хил қимматбаҳо совға-

лар nasib этди. Энг муҳими, йил бўйи эл сало-матлиги йўлида астойдил ишлаган жамоалар, ҳомийлару, шифокорларнинг меҳнатлари, хизмат-лари шу кунини кўпчилик томонидан эътироф этил-ди.

Ана шундай эътирофга лойиқ деб топилган жа-моалар орасида 1-сон вилоят клиник шифохона-си ҳам бор эди. Жамоага «Дамас» русумли авто-мобил қалити топширилди.



Суратларда: шифохона қошидаги функционал ташхис бўлими шифокори Ҳамдам Самандаров бўлим мудираси, тиббиёт фанлари номзоди Ко-мила Жуманиёзова, шифохона бош ҳақими ўрин-босари Исмомил Султоновлар; юрак қон-томир жар-

роҳлиги бўлими шифокорлари Хушнуд Назаров, Баҳодир Олломуродов, тиббиёт ҳамширалари Бар-но Якубова ҳамда Дилбар Ҳушновлар.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Янги электрон лугат

«IBORA»НИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

Бугун ҳаётимизни компьютериз тасаввур қилиб бўлмайди. Қай бир соҳани олмасан, барчасида компьютер хизматидан кенг фойдаланилади. Қувонарлиси шуки, уларнинг янги, тақомиллаштирилган моделлари яратилмоқда, янада мукамал, иш жараёнини соддалаштирувчи электрон дастурлар ёзилмоқда.

Жумладан, айни пайтда мамлакатимизда компьютер дастурлари тайёрлаш вазифасини академик Восил Қобилов ташаббуси билан ташкил этилган «O'zbekim Dasturlari» электрон нашрлар таҳририяти бажариб келмоқда. Таҳририят илк бор 2001 йилда ҳар қандай расмий, молиявий (бухгалтерия), юридик ҳужжатларда энг кўп қўлланиладиган сўзларни ўз ичига олган «Банк», «Ташқи иқтисод», «Хуқуқ» ва «Иш юритиш» бўйича электрон лугатларни, 2004 йилда эса банк соҳасида яна бир муҳим изоҳли лугатни, яқинда «IBORA» номли янги ўзбек-рус-инглиз тилларидаги электрон лугатни яратди.

Ушбу лугатнинг афзалликлари нимага асосланган? Биз бу ҳақда «O'zbekim Dasturlari» электрон нашрлар таҳририяти муҳаррири Умаржон ВАЛИЕВга мурожаат қилдик.

— Яқинда Ўзбекистонда нашр қилинган лугатлар асосан бир хил, русча-ўзбекча йўналишда бўлар эди. Бундай лугатлардан русча-ўзбекча йўналишда маъносини билиб олиш мумкин, ammo ўзбекча сўзнинг русча маъносини топиш мумкин эмасди. Бунинг учун эса ўзбекча-русча йўналишга эга бўлган бошқа бир китоб ёзиб, уни нашр қилиш лозим эди. Бу ор-

тиқча вақт, меҳнат, қолаверса, қанчадан-қанча харажат талаб қиларди. Электрон лугат учун эса сарф-харажатнинг ҳолати йўқ. Чунки у «жонли» бўлиб, сизнинг буйруғингиз билан сиз хоҳлаган йўналишга эга бўлиши мумкин. Ана шунга ўхшаган хусусиятлари билан электрон лугатлар «қоғоз» лугатларга қараганда жуда кўп устунликларга эга.

Ушбу лугатга келсак, ундан ўзбек-рус-инглиз тилларидаги 120 минг сўзни изоҳловчи лугавий мақолалар ўрин олган. Дастур олти таржима йўналишидан фойдаланиш имкониятини беради: ўзбекча-русча; русча-ўзбекча; ўзбекча-инглизча; инглизча-ўзбекча; инглизча-русча; русча-инглизча. Булар билан лугатдан фойдаланиш — танлаган сўзнинг қайси тилдан қайси тилга таржима қилинишига боғлиқ. Электрон дастур вазифасида мавжуд олти хил таржима йўналишини истаган тартибда ўзгариши мумкин. Масалан, инглизча матни ўзбек тилига таржима қилмоқчи бўлсангиз, инглизча-ўзбекча йўналишини экранга чақириб олишингиз мумкин. Қерақ бўлганда бу йўналишни бошқаси билан алмаштириш жуда осон.

— Демак, ушбу дастур орқали яна бошқа кўп операцияларни ҳам ҳеч қандай қийинчиликсиз бажариш имкони бор...

— Ҳа. Масалан, сиз компьютерда ёзиб ўтириб ҳаёлингизни бўлмасдан, шу компьютернинг ўзидан ўзингизга керакли сўзнинг маъноларини, имлоси,

бошқа тилдаги ифодаси ва ҳоказоларни бир сонияда били олиш имкониятига эга сиз. Бунинг учун олти томлик лугат шарт эмас. Сиз учун керакли энг зарур нарса компьютерга ўрнатилган электрон лугат ҳар доим қўлингизда бўлади. Ундан ташқари, лугатнинг исталган жойдан керакли қисмини кўчиришга буйруқ беришингиз билан компьютер уни бир зумда бажариб, кўчирилган нусхани принтерга жўнатиши мумкин.

Шу ўринда бир мисолни айтиб ўтай. Яқинда таҳририяти-мига Тошкент давлат маданият институтининг илмий ходими Ботиржон Жўраев келиб, электрон лугат ҳақида тўққизинчи шундай дейди: «Ҳозир мавжуд «Инглизча-ўзбекча лугат»лардан барча сўзлар таржимасини топиб бўлмайди. Қеракли сўзларни бир эмас, бир неча китобни арақлаб, қидириб топганимча 15-20 дақиқа вақт кетади. Биз эан сиз лугатимизда. Ушбу электрон лугатимизда, бу муаммолардан қутулдим. Унда ўзбекча сўз бўладими, инглизча ёки русча бўладими, уларнинг маъноларини топиш учун бор-йўли 2-3 сония вақт сарфлайман. Олдинги китоб-луғатлар билан бир кунда икки бет матни арағ таржима қилган бўлсам, ҳозир электрон лугат ёрдамида 8-10 бетлик матни ортиқча ташвишларсиз бошқа тилга ўғираялман».

— Шундай экан, бу тил ўрганиши бошловчилар учун ҳам жуда муҳим экан-да.

— Албатта, ҳеч қайси тилни

луғатсиз ўрганиб бўлмайди. Чинакамга тил ўрганмоқчи бўлган кишига бир-иккита лугат камлик қилади. Шунда турли йўналишга эга бўлган лугатлар керак. Бундай лугатлар осонликча топила қолмайди, топиладиганда ҳам жуда қimmat ва яна уларни бир жойдан иккинчи жойга олиб юриш ортиқча ташвиш ва энг асосийси, ўзингизга керакли сўзни топиш учун бир неча китобни арақлашга тўғри келади.

Агар сиз «O'zbekim Dasturlari» электрон нашрлар таҳририятининг «IBORA» номли ўз тилик электрон лугатини олсангиз, ушбу муаммоларнинг барчасидан қутуласиз. Бунинг устига анча маблағингиз ҳам тежалади. Агар «IBORA» ҳар қайсиси етти-саккиз юз бетлик олти жиғиди китоб шаклига эга бўлганда эди, албатта унинг ҳам нархи анча қimmat бўлган бўларди. Бу лугат дискка жойлаштирилган бўлиб, уни топиш жуда осон. Кейин сиз ундан 120 минг сўзнинг уч тилдаги маъноларини ҳеч қандай қийинчиликсиз, бир сонияда топа оласиз. Бизнинг бу лугатимиз универсал бўлиб, сизнинг истаганингизга бўйсунган ҳолда қайси тиллик лугат ёки бир тиллик имло лугатларига айланади ҳамда сизга керакли лугатларнинг («ўзбекча-русча», «русча-ўзбекча», «ўзбекча-инглизча», «инглизча-ўзбекча» ва «русча-инглизча», «инглизча-русча») барчасини вазифасини бажара олади.

Сўхбатдош: Зайиндин МАМАДАЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

Хабарингиз борми?

ГОЛЬФ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН БИРИНЧИЛИГИ

Шу йилнинг 14 майда Ўзбекистон гольф ассоциацияси томонидан Тошкент гольф клуби кўмағида илк бор мамлакат биринчилиги ўтказилди. Акциядорлик-тижорат «Капиталбанк» гольф бўйича биринчилигининг бош ҳомийсидир. Бўлажак мусобақа олдидан пойтахтимизда матбуот анжумани ўтказилди.

— Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Тошкент гольф клуби 1998 йилда шахсан Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан барпо этилганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман, — деди Гольф ассоциацияси Бош котиби Со Кон И. — Кейинчалик бундай ҳаракат қўшни давлатларда ҳам қўллаб-қувватланди. Мақсадимиз ушбу спорт турини Ўзбекистонда ривожлантириш ва оммалаштиришдан иборат. Маълум даражада бунга эришдик ҳам. Эндиликда Тошкент гольф клубида хорижликлардан ташқари маҳаллий аҳоли ҳам гольф сирини ўрганишмоқда. Уйлаймани, гольф бўйича илк Ўзбекистон биринчилиги ушбу спорт турининг ривожланиши ва оммалаштирилувида муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон биринчилигида мамлакатимизнинг хоҳлаган фуқароси иштирок этиши мумкин. Бунинг учун қизиқиш ва истақ бўлса қиёф. Мусобақа ташкилотчилари томонидан гольф спортини шайдолашга барча шарт-шароитлар яратилган. Улар гольф клубида мусобақага бепул тайёргарлик кўришлари мумкин. Шундай экан, имкониятингизни бой берманг.

Алишер РҲУЗИЕВ

Орамиздаги одамлар

ЭЛ ИШОНЧИ — ЮКСАК МАРТАБА

Бундай олганда пенсияга чиқиб, ишлаб юрган отахону онахонлар кўп. Кимдир севган касбидан, бошқа биров ўрганиб қолган жамоасидан кўнгил узоқламайди. Кимнингдир ҳали яна ишлашини илтимос қилишди...



Ушбу кўрғазмада безак санъатининг ҳар хил турларини бир экспозицияда бирлаштириш гоёси илгари сурилган. Ҳар иккита расом ҳам дизайнер сифатида турли йўналишларда иш қилаётган бўлса-да, уларнинг бадиий объектларида яқинлик, услубларида ўхшашлик мавжуд. Шунинг учун ҳам кўрғазмага қўйилган асарлар бир-бирини тўддиради.

— Абдусалом ота энг кейинги тоифага муносиб кишилардан. Дарвоқе, дам олса арзигулик иш ҳам қилиб қўйган.

Фарзандлар ҳам сероб — 7 ўғил, 2 қиз. Яна ёр-биродарлар бор, элнинг тўй-ю маъракаси дегандай. Хуллас, ота қариллик гаштини ўзи истагандек сури-иб юрганди...

2004 йил Ибн Сино номли ширкат ҳўжалиги туғилиб, ерлар фермерларга бўлиб берилган бўлди. Дейлик, ўшанча бунга қарши 100-150 гектарга ер бўлса, уни 4-5 фермер бўлиб ола бошлади.

Абдусалом ота яшайдиган Бойқаро қишлоғи оқсоқоллари бунга қўнишмади.

— Қишлоқчи бўлмаймиз. Битта фермер ҳўжалиги ташкил қиламиз. Унга сен бош бўласан... Ота эътироз билдирди: «Мен 10 йилдан бери пенсиядаман. Ёшим 74 да. Деҳқончилик меннинг ишиммас...»

Эртасига йиғилиш бўлди. Унда Абдусалом Шайматовни фермер ҳўжалиги раҳбарлиги-

Яқинда Замонавий санъат марказида «Наврўз — 2006» анъанавий санъат фестивали доирасида амалий безак санъати устаси, заргар Улуғбек Холмуродов ва кулолчилик буюмларига безак солувчи расом Ануш Авакяннинг шахсий кўрғазмаси очилди.

ЯНГИ КЎРҒАЗМА

Кўрғазмада асосан металл ва керамикадан тайёрланган буюмлар намойиш этилмоқда. Шунингдек, маълумлиқнинг график асарлари, эскизлари акс этган фотосуратлардан йиғилган фотолар ва видеодастурлар уни янада бойитиб турибди.

Баҳодир МҲМИНОВ,
ЎЗМУ талабаси



Фикр, талқин, мулоҳаза

ГЛОБАЛЛАШУВ — ИЖОБИЙ КЎРИНИШДАГИ САЛБИЙ ОМИЛ

Глобаллашув — бу ижтимоий-сиёсий жараён. У дунёда интенсив ўсаётган одамлар оқими, сармоялар, товарлар, хизмат ва ахборотлар айланишига сабаб бўлади.

Тарихий ривожланишнинг бошланғич босқичларида глобаллашув — иқтисодий интеграциянинг ижобий омили ва миллий иқтисодиётнинг ижтимоий ўзгаришига кўмакчи сифатида қабул қилинган. Лекин дунёдаги ахборот алмасишуви имкониятлари ўсишининг глобал йўналишлари сиёсат, маданият, илм-фан ва тил соҳаларига ҳам кириб кела бошлаган.

Замонавий йўналишларнинг глобаллашувида аввал кўзга кўринмаган баъзи давлатларнинг ўзбошимчилиги, сиёсий лойиҳаси ва бошқа ривожланган Ғарб давлатларининг бугун дунёга ҳукмронлиги, узоқ келажақда ўзининг гегемонлик стратегиясини ўрнатиши кузатилади.

Ўз навбатида, кўпроқ камраб олувчи ва бутун дунёнинг маданий анъаналарига кириб келувчи глобал маданий йўналишлар вужудга келди. Дунё микёсида илмий тадқиқот фаолиятида академик инфратузилмаларнинг дунёвий ривожланиши, халқаро академик алмасиш дастурлари, интернационал форумлар, илмий наشريётлар, журналлар «глобал илм»ни шакллантиришга ёрдам беради.

Ҳозирги пайтда тарқатилган ахборотнинг 85% дунёда инглиз тилида чоп этилмоқда, негати аҳолининг 25% инглиз тилидаги ахборотни қабул қила олади. У ҳар хил миллат ва ирққа мансуб бўлган оқимлари бирлаштирилади, лекин шу билан бир

қаторда рус, хитой, немис, француз, испан каби ривожланган тилларга таҳдид солади. Юқорида таъкидлаган тилларнинг ишлатилиши ўзининг миллий худудларида ҳам тораёйи бормоқда. Миллий тиллар инглизча космополитик сўзлар билан бузилиб кетмоқда.

Ачинарлиси шуки, бора-бора глобал унификацияланган ҳаёт тарзининг турган йўналиши вужудга келиши мумкин. Ер кўрасининг турли бурчларида инсонлар бир хил овқат истеъмол қилишади, бир хил кийим кийишади, бир хил мусиқа эшитади, бир хил фильм кўришади, бир хил оммавий ахборот воситаларидан маълумот олишади. Бу турдаги глобаллашув миллат ўзлигининг ҳамма соҳаларига таҳдид солади. Ҳатто, анъанавий оилавий муносабатлар соҳасида мезёларини бўшатирувчи йўналишлар кузатилади. Масалан, АКШ, Венгрия, Япония ва айниқса, Аргентинада болаларни отасиз вояга етказишни қўллаб-қувватлайдиган аёллар сон кўпаймоқда.

Турли хил маданиятларнинг ажралмас муносабатларида глобал жараёнда миллий суверенликини мустаҳкамлаш мақсадида ўзликини англаш ва ҳеч кимга ўхшамаслиқни интилиш кучайиши зарур.

Ушбу глобаллашувдан келиб чиқадиган замонавий йўналишларнинг таҳлили ва миллий ҳавфсизликка таҳдид даражасининг қамқайишга қаратилган ҳозиржавоб тадбирларнинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасининг барча ижтимоий соҳасидаги ўзгаришларнинг муваффақиятини қафолатидир.

Илҳом ДАВЛАТОВ

НЕПАЛ

Непалда моачи исёнчилар қирол Гьяендрага бўйсунмасликни намойиш қилиш учун уюштирилган кампанияни қўллаб-қувватлашларини билдиришди.

Икки кундан бери давом этган намойишлар натижасида уч нафар шахс ҳалок бўлди. Маочилар мамлакат йўлларини ўз назоратига олиб, қирол оиласига тегишли бўлган шахслар ҳайкаллари йўқ қилишга киришмоқчи.

Мухолифат партиялар қиролга қарши намойишларни номалум муддатга қўзишларини айтишди.

Бунга жавобан ҳукумат намойишчиларга қарши «қатъийроқ чора кўриши» ҳақида хабар берди.

Командантлик соати жорий этилганга қарамай минглаб одамлар ақшанба кунин Непал қўчаларига чиқишди.

Бундан бери йилу икки ой муқаддам қирол Гьяендра ўзини Непалнинг ягона ҳукмдори этиб тайинлаган ва бу қарорини сиёсий партиялар масоҳиларга қарши кўраша олмаслиги билан изоҳлаганди.

Маочи исёнчилар ва Непал ҳукумати ўртасида давом этиб келаётган ҳарбий қарама-қаршиликлар 13 минг одам ҳаётига зомин бўлган.

ПЕРУ

Перуда президентлик сайлови бўлиб ўтди. 45 фойс сайлов участкаларидан йиғилган маълумотга кўра, биринчи ўринни 27,3 фойс овоз тўплаб Миллий партия етакчиси Ольянта Умала, иккинчи ўринни 26,5% овоз олиб, консерваторлар номзоди Лурдес Флорез ва учинчи ўринни 26,1% овозга эга бўлиб, собиқ президент Алан Гарсия эгаллаган.

Ҳеч бир номзод зарур бўлган 50 фойс овоз тўплай олмагани учун голиб 7 май кун, яъни сайловнинг иккинчи турида аниқланадиган бўлди.

Кузатувиларнинг фикрича, сайловда Умала голиб қисқа, Перу Уго Чавес бошчилигидаги қўшниси Венесуэла йўлидан кетади.

Перуликлар венесуэлаликлар каби икки вице-президент ва мамлакат парламентининг 120 нафар депутатини сайлашади.

«РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК

2006 йилнинг 3,7,14 март кунлари ўтказилган аукцион савдосида қуйидаги объектлар сотилганлигини маълум қилади:

Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган ер участкаларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи: Чилонзор тумани, «И-24» мавзесида, сатҳи 0,018 га. бўлган, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун ер участкаси — 4 360 000 сўмга;

Сирғали тумани, Қорайўл кўчасида, сатҳи 0,025 га. бўлган қаҳвахона қуриш учун ер участкаси — 4 320 000 сўмга;

Учтепа тумани, Сегизбоев кўчаси, 36-уй ёнида, сатҳи 0,04 га. бўлган, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун ер участкаси — 4 130 000 сўмга;

Автотранспорт воситалари ҳамда бино ва иншоотлар: Тошкент Ахборот технологиялари университетининг д/р 10 АҚ 883 бўлган «КАВЗ-685» русумли а/в — 1 590 000 сўмга;

«3-AVTOBUS SAROYI» ОАЖнинг: — д/р 10АҚ 136 бўлган «ПАЗ-3205» русумли а/в — 785 000 сўмга;

— д/р 10АҚ 426 бўлган «ПАЗ-3205» русумли а/в — 785 000 сўмга;

— д/р 10АҚ 517 бўлган «ПАЗ-3205» русумли а/в — 780 000 сўмга;

— д/р 10АВ 370 бўлган «ПАЗ-3205» русумли а/в — 780 000 сўмга;

— д/р 10АВ 650 бўлган «ПАЗ-3205» русумли а/в — 780 000 сўмга.

«18-AVTOBUS SAROYI» ОАЖнинг: — д/р 10АК 803 бўлган «ЛАЗ-695НГ» русумли а/в — 960 000 сўмга;

— д/р 10АК 730 бўлган «ЛАЗ-695НГ» русумли а/в — 960 000 сўмга;

— д/р 10АК 381 бўлган «ЛАЗ-695НГ» русумли а/в — 1010 000 сўмга;

«Тошшаҳарйўлчи» АК тизимидаги 2519-автокорхонанинг: — д/р АС 749 бўлган «ЛАЗ-695НГ» русумли а/в — 960 000 сўмга;

— д/р АҚ 341 бўлган «ЛАЗ-695НГ» русумли а/в — 960 000 сўмга;

— д/р АҚ 937 бўлган «ЛАЗ-695НГ» русумли а/в — 960 000 сўмга;

«Тошбозортайёрловсавдо» ассоциацияси тизимидаги «Parkent ixtisoslashgan bozori» ОАЖнинг д/р 10В С206 бўлган «Нексия» русумли а/в — 3 300 000 сўмга;

«МО-SAMAK» МЧЖ балансида бўлган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Арнасой кўчаси, 8-уйда жойлашган, майдони 992 кв.м. бўлган қандолатчилик цехи бинолари — 18 700 000 сўмга сотилди.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ! ХҲРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРҚОРЛАР!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ ҲАМДА ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНING ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги ПК-29-сонли ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 майдаги 209-сонли қарорларига мувофиқ, қуйидаги паст рентабелли корхоналарни инвестиция мажбуриятлари эвазига инвесторларга бепул бериш бўйича **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

Танлов савдолари санаси: 2006 йил 11.25 апрель, 10.23 май, 6 ва 20 июнь кунлари. Танлов савдолари соат 11.00 да Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биноси (Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16А-уй манзилида бўлиб ўтади.

Танлов савдосида иштирок этиш шартлари: Танловда қатнашини хоҳлаган барча талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

- 1. Талабгорларнинг тўлов қобилиятига эгалигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банкнинг қағолат хати).
- 2. Тақдим этилган молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик фирмасининг хулосаси.
- 3. Бизнес режа (тасдиқланган намунавий шаклда тайёрланган бўлиши шарт).

Ушбу ҳужжатлар ва инвестиция тақлифлари танлов савдоси вақтидан уч кун аввал муҳрланган конвертда, белгиланган шаклдаги ариза билан биргаликда Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасига топширилиши лозим.

Танлов савдоларида барча нодавлат юридик ва жисмоний шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари (чет эл инвесторлари) қатнашишлари мумкин.

Танлов савдосида қатнашиш тартиби ва шартлари бўйича батафсил маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин.

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16А-уй. Маълумот учун телефон: 133-22-98.

Тошкент шаҳар ҳудудий танлов комиссияси ҳамда давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси

2006 йил 16 мартда Тошкент шаҳрида ўтказилган танлов савдоси натижасига кўра, қуйидаги паст ликвидли объект инвестиция мажбуриятлари эвазига инвесторларга бепул берилганлигини маълум қилади:

Танлов савдолари натижаси

№	Танлов савдоси санаси	Объект номи	Манзили	Инвесторнинг тақлифлари
1	2	3	4	5
1	2006 йил 16 март	«Ҳажм-блокчи уй қурилиш тажриба комбинати» (ЭКОБД) ОАЖга қарашли бўлган Қурилиш тугалланган 9 қаватли 30-сон ётоқхона биноси	Сирғали тумани, «Қурувчи» даҳаси	Фаолият тури бўйича (саклаб қолиш ёки сакламаслик) Инвестиция мажбуриятлари ҳажми, (млн. сўм) 350,0

Изоҳ: * — Фаолият турини ўзгариштириш масаласи жамият акциядорлари (таъсисчилари) қарорига кўра қабул қилинади. ** — Ушбу инвестиция микдори инвестор томонидан ўзининг тақлифидан келиб чиққан ҳолда ўзгариштирилиши мумкин.

Маълумот учун телефон: 133-22-98.

ХАМИША АРДОҚДА

Пойтахтимизда Республика маънавият ва маърифат кенгаши, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбек миллий академик драма театри ҳамкорлигида Абдулла Қодирий таъвалудига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Шу муносабат билан атоқли адиб номи билан аталувчи боққа санъаткорлар, шоир ва ёзувчилар, маҳалла

фаоллари, ўқувчи ва талабалар йиғилди. Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида эл-юртимиз озодлиги ва истиқлоли йўлида жон фидо этган миллат фарзандларининг номларини тиклаш, уларнинг бой меросини ҳар томонлама ўрганиш ва тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини

таъкидладилар. Атоқли адиб Абдулла Қодирий халқимизнинг ана шундай ўғлонларидан эди. Анжуманда истиқлол йилларида адиб ижоди юксак даражада кадр топаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбарининг фармони билан атоқли ёзувчи «Мустақиллик» ордени билан мукофотлангани, хотира-

сига сўлим боғ бунёд этилгани, асарлари мукамал ўрганилаётгани бунинг яна бир далилидир. Бугунги кунда Абдулла Қодирий асарлари нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам ўқувчиларнинг меҳр-муҳаббати ва эътиборини қозониб келмоқда.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

Спорт

МАҲОРАТ ВА ТАЖРИБА

Пойтахтимиздаги «НБУ» спорт мажмуида уюштирилган Дэвис кубогининг Ўзбекистон — Хитой терма жамоалари учрашувида вакилларимиз галаба қозонди



хисобида муваффақиятли яқунлаган вакилимиз муҳлислари узоқ кутирмади. Йилдан йилга маҳорати ўсиб бораётган йигирма ёшли Фаррух Дўстов кейинги сепларда ҳам рақибни устидан катта устунлик билан зафар кучди — 6/0, 6/1.

Мусобақанинг иккинчи кунги ўтказилган жуфтлик баҳслари ҳар иккала жамоа учун ҳам муҳим аҳамият касб этарди. Агар ҳамюртларимиз ушбу учрашувни галаба билан яқунлашса, кейинги натижалардан қатъий назар мuddатидан олдин ўз мақсадларига эришарди. Шу боис, мутахассислар жуфтлик учрашувида ҳам мамлакатимизнинг етакчи теннисчилари Денис Истомин ва Фаррух Дўстовларга ишонч билдиришди. Ўз навбатида ракеткачиларимиз Ю Хин-Юан/Зенг Шао-Хуанларга қарши кечган мurosасиз баҳсда муҳлислар кутган натижани ҳада қилдилар — 7/6(5), 7/5, 7/6(4).

Дэвис кубоги низомига кўра, қатнашчилар бештадан учрашувда ўзаро куч синаяшлари белгиланган. Бироқ, мусобақанинг учинчи кунда об-ҳаво ноқулайлиги, энг муҳими, Ўзбекистон терма жамоасининг мuddатидан илгари умумий ҳисобда (3:0) галаба қозонганлиги боис, қолган иккита яққалик учрашуви ўтказилмади. Шундай қилиб, муҳим галабани қўлга киритган ҳамюртларимиз Дэвис кубогининг Осиё ва Океания минтақаси биринчи гуруҳида ўз мавқеларини сақлаб қолишди.

Эркин ХОЛБОВО Суратда: мусобақадан лавҳа, Алишер РИСКҲИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Диққат, тадбир!

Ўтган йилги баҳор-ёз мавсуми оҳангаронликлар учун қатор кўнгилсизликларни келтириб чиқарган эди. Сел, сув тошқини ва кўчки хавфи уларни бирмунча хавотирга солганди. Ўша воқеалардан сабоқ чиқарган оҳангаронликлар бу йил баҳор келиши билан хавфсизлик чораларини кўришга астойдил киришиб кетишди...

Яқинда Тошкент вилояти Оҳангарон туманида «Бошқарув органлари ва ФВДТ ҳудудий қўйи тизими тузилмаларининг табиий ва техноген тусдаги фавуқулдада вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳаракат» доирасида фуқаро муҳофазаси ўқув машқи ўтказилди.

умумтаълим мактабларининг директорлари иштирок этдилар. — Мақсадимиз, фақат муҳофаза ўқув машқлари ўтказиш эмас, айни вақтда фойдали иш бажаришни ҳам режалаштирдик, — деди биз билан суҳбатда Тошкент вилоят ФВБ аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази раҳбари Хусниддин Аглаев. — Қирғоқларни мустаҳкамлаш, ободончилик ва санитария-гигиена ишлари ҳам

Оҳангарон дарёси қирғоқларини мустаҳкамлаш ишлари олиб борилди.

Навбатдаги кўргазмали ўқув машғулотни зилзила тўғрисида талфот кўрган инсонларга биринчи ёрдам кўрсатишга бағишланди. Жароҳатланганларга дала шароитида биринчи ёрдам кўрсатиш, зарур бўлганда эса операция қилиш каби вазиятлар кўргазмали тарзда намойиш этилди.

— Бугунги тадбирда табиёт ходимлари билан бирга «Оҳангароншифер» АЖнинг посбонлари ҳам иштирок этди, — дейди Марказий шифохона бош шифокори Аъзам Мирсиддиқов. — Улар ўз ҳаракатлари давомида кўп нарсага қодир эканликларини намойиш этишди.

— Кўмондонлик-штаб машқлари иштирок этган тегишли хизматлар ҳаракати қониқарли баҳоланди, — деди Тошкент вилояти ФВБ бошлигининг ўринбосари, полковник Исроил Тошбоев. — Айниқса, ИИБ, электр таъминоти, автотўл, табиий ҳизмат вакилларининг меҳнатлари мақтовга лойиқ. Шунингдек, қирғоқларни мустаҳкамлаш ишларида фаол иштирок этган аҳолига миннатдорчилик билдирамиз.

Ўқув-машқи ниҳоясига етди. Машқ майдонида олинган сабоқ эса ҳар қадамда асқотиши мумкин.

Соҳиба ҲАЙИТБОВА, ФВБ матбуот хизмати ходими

ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ

Мақсад фавуқулдада вазиятлар оқибатларини бартараф этиш пайтида қилинадиган ҳаракатлар, унинг моддий тайёрлигини таъминлаш, фавуқулдада вазиятлардан оғохлантириш ва бартараф этиш учун куч ва воситаларни тайёрлаш ҳамда амалий малакани такомиллаштириш, шу билан бирга авария-қутқарув тизимлари шахсий таркибига фавуқулдада вазиятлар вақтида амалий иш олиб боришни ўргатишдан иборат. Шунингдек, баҳорги-ёзги ёғингарчиликнинг ҳалокатсиз ўтказиши ҳам ўқув машғулотлари кўзда тутилган мақсадлар сирасига кирди.

таркибига ўтказилиб, жойларда мутасаддилар навбатчилиги ташкил этилди. Фавуқулдада вазиятда каттаю кичик, ёш қари бирдек экстремал ҳолатга тушиб қолиши мумкин. Айниқса, болалар қўтилимаган вазиятларда эсанкираб қолишади. Шу боис мактабларда фуқаро муҳофазаси алоҳида дарс сифатида ўқитилиб келинмоқда. Болалар фавуқулдада вазият содир бўлганда вазиятни баҳолаб, ҳаракат қила оладиларми?! Илк тадбир ана шундай мактаб ўқувчиларининг фуқаро муҳофазаси борасидаги билимларини синовдан ўтказди. Оҳангарон туманидаги 12-сонли умумтаълим мактабиди ўтказилган «Фуқаро муҳофазаси кун»ида 370 ўқувчи ва 36 нафар ўқитувчи ҳамда тумандаги 42 та

бир вақтда олиб борилди. — Бизни ўтган йили сел тошқинлари анча безовта қилди, — дейди «Сусам» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдуғани Шамсиев. — Ангрэн дарёсида сув сатҳи кўтарилиб, бир неча маҳаллани сув босди. Натижада 16 та хонадонни кўчиришга мажбур бўлдик. Қишлоқ хўжалик экинлари сув остида қолди. Шу билан, бу йил тегишли идоралар билан биргаликда офатнинг олдини олиш ишларини бошлаб юбордик. Биринчи қилган ишимиз дарё ўзанини ўзгартирдик. Барча умумшарни хашар йўли билан бажардик. Шунингдек, туман сув хўжалиги, «Чувилдик» ва «Унгу» қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда ўтказилган махсус-тактик машқларда ҳам

КЛИЧКО РИНГА ҚАЙТМОҚЧИ ЭМАС

Оғир вазнли боксчи, собиқ жаҳон чемпиони Виталий Кличко муҳбирлар билан суҳбатда яна рингга қайтиши мумкинлиги ҳақидаги хабарлар нотўғри эканини айтди. Эслатамиз, у ўтган йилнинг 9 ноябрь кунини катта спорт билан хайрлашганини эълон қилган эди. «Мен катта спорт билан хайрлашганимни яна бир бор таъкидламоқчиман, — дейди Виталий Кличко. — Муҳлисларни яши тушунаман. Рингга қайтиб



яна жанг қилишим мумкин. Аммо мен қатъий қарорга келганман». Мъълумки, Виталийнинг бокс-

дан кетишига оёғининг жароҳати сабаб бўлган. Охир-оқибатда Виталий спорт билан хайрлашган, Хасим Раҳмон эса ҳеч қандай жангсиз WBC йўналиши бўйича жаҳон чемпиони бўлганди. Лекин, 22 апрель кунини Кличколар оиласида янги чемпион пайдо бўлиши кутилапти. Чунки, Владимир Кличко IBF йўналиши бўйича жаҳон чемпион номини олиши учун Крис Берд билан бўладиган жангга ҳозирлик кўрмоқда.

ҲИҚМАТЛАР САНДИГИДАН

- Онангга бошингни ҳам қил, отангга гапингни кам қил.
• Тегирмон икки тошдан, муҳаббат икки бошдан.
• Она бўлиш осон, одоб бериш қийин.
• От билан хотин омонатга берилмас.
• Яхши хотин арпа унни қабоб қилар.

- Хотиннинг йимонли бўлса, сенга ўзга мол-дунё не ҳожат.
• Яхши хотин белгиси — хиром қилар терини, ёмон хотин белгиси — ерга буклар эрини.
• Эрак — кузатувчи, хотин — тарбиячи.
• Онанги елканда тугсанг, синглингни бошингда кўтар.
• Дарахт япроғи билан кўркам, аёл ифқати билан.
• Яхши аёлга ипак илашур, ёмонга тикан.

Тўпловчи: Юнус ЗИЁДОВ

ЎЗБЕКISTON ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ

қадимги даврдан бошлаб то шу кунгача бўлган тарихимизни ўрганиш учун қимматли манба ҳисобланади. Музей ўрта махсус ва олий таълим ўқув юртлири талабалари учун Ватанимиз тарихини ўқитиш дастури бўйича:

- махсус мавзуларга бағишланган мағрузалар;
— тарихий шахсларга ёки воқеаларга бағишланган очиқ дарслар;
— муҳим саналарга бағишланган тадбирлар, кечалар;
— абитуриентлар учун тарих фанидан тайёрлов гуруҳлари ташкил этади.

Сизга музейшунослар ва тарихшунос олимлар гуруҳи хизмат кўрсатади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, III.Рашидов кўчаси, 3-уй. Мўлажал: «Шарқ» НМАК қаршисида. Тел.: 139-10-83, 139-17-79.

«G'AZALKENT OYNA» ҚЎШМА КОРХОНАСИ АКЦИЈАДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2006 йил 15 апрель кунини соат 10.00 да акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлади.

Манзил: Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Фурқат кўчаси, 51-уй, «Ойна заводи» маданият саройи.

КУН ТАРТИБИ:

- 1. «G'azalkent oyna» қўшма корхонасининг молиявий ҳолати ҳақида.
2. 2005 йил 30 июндаги акциядорларнинг умумий йиғилишидаги дивидендлар тўлаш қарори тўғрисида.
Акциядорлар маданият саройи фойсидида соат 8.00 дан 9.45 гача рўйхатга олинади.

Кузатув кенгаши

Во исполнение определения Хозяйственного суда г.Ташкента № 10-0618/3520 от 17.03.2006г «О внедрении по отношению ОАО «Пулаткурилла» внешнего наблюдения», в 10-часов 20 апреля 2006 г. в здании ОАО «Пулаткурилла» по адресу г.Ташкент, Яккасарайский район, ул.Ш.Абдуллаева дом № 4 состоится первое собрание кредиторов с повесткой дня:

- 1. О численном составе комитета кредиторов и избрании его членов;
2. Об обращении в Хозяйственный суд с ходатайством.
Регистрация представителей кредиторов с 9.00 до 9.45 часов 20 апреля 2006г. с предъявлением доверенности, паспорта и акта сверки с должником.

Биринчи Тошкент давлат табиёт институти томонидан 2005 йилда Фузайлов Дилмурод Нормуродович номига берилган 256895 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети томонидан Турсунова Маҳфуза Абдурахмонова номига 2000 йилда берилган ВНО27232 рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоаси врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш Республика маркази бош мутахассиси Фазилдин Раҳимовга отаси

Эгам РАҲИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 160-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқсиз ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри қолиши текширилади. 6-турдан бошлаб маъзур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

Table with lottery results for 'Yaxshi Niyat' lottery. Columns include ticket numbers (1 TUR, 2 TUR, 3 TUR, 4 TUR, 5 TUR, 6 TUR, 7 TUR, 8 TUR, 9 TUR, 10 TUR, 11 TUR, 12 TUR, 13 TUR, 14 TUR, 15 TUR, 16 TUR, 17 TUR, 18 TUR, 19 TUR, 20 TUR, 21 TUR, 22 TUR, 23 TUR, 24 TUR) and corresponding winning numbers.

Ютуқлар ҳар сешанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти «Лаура» ХФСда берилди. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кўчаси, 8 уй. Мўлажал: «Украинка» дўкони. Тел.: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Мېрбод тумани «Лаура» ХФСда ва чипта тарқатувчилар томонидан берилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 22 декабрдаги 16-сонли лицензияси.

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TANHIR HAY ATI:

- Abdulla OROPOV Latif G'ULOMOV Asliddin RUSTAMOV Ashur QODIROV Bobir ALIMOV Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekista»)
Norbobo SHAKAROV Nomoz SA'DULLAYEV To'lepbergen QAIPBERGENOV Muslihdiddin MUHIIDDINOV Olim MURODOV Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

- Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:

- Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchesi: Xurshid RAUPOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 650 11276 nusxada bosildi Г — Тижорат материали O'ZA yakuni — Topshirish vaqti — 1 2 3 4 5 Sotuvda erkin narxda